

ЎЗБЕКИСТОН



OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 12-OKTYABR ■ SESHANBA ■ 122 (27.297) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УЧУН ИНСОН, ХАЛҚ, ВАТАН МАНФААТЛАРИДАН УСТУН МАНФААТ ЙЎҚ

Махсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!



Фаргона шаҳридаги «Ўзсаламан» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган бежирим, пишиқ, сифатли пойабзалларга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб ортмоқда. Дастлаб бу ерда тўрт турдаги оёқ кийимлари ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир қирқ турдаги пойабзаллар тайёрлаш йўлга қўйилган. Яқингача хомашё четдан келтирилган эди. Айни пайтда Кўқондаги «Кўнчи» ва «Обидхон» хусусий фирмалари билан хомашё етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоланди. Бу эса махсулот таннархига ижобий таъсир кўрсатиши табиий.

Бу йил қўшма корхона тамғаси билан 250 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Унинг бир қисми хорижга экспорт қилинади.

Суратларда: корхона цехларидан бирида; ишчи Мукаррам Орипова; корхона ишчилари Махмуда Мухторова, Санобар Собирова, Муқаддам Ибрагимова, Нафиса Тожибоева.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



ШРЕДЕР ТЕРМИЗДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Покистон ва Афғонистон сафаридан қайтаётган Германия федерал канцлери Герхард Шредер 11 октябрь кuni Термизда тўхтаб ўтди. Шаҳар аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга, терроризм ва наркотиқсизликка қарши курашишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилишга, наркотик моддалар ва қурол-ярғоқ контрабандаси каби иллатларга қарши ҳамкорликда курашишга қаратилган қатъий сиёсатини қадрлаймиз, — деди Г.Шредер. (ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВЛДИ ПЛАТФОРМАСИГА ТАКЛИФЛАР

ИЖТИМОЙ МУАММОЛАР ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

Бўлғуси сайловларда халқнинг ишончини қозониш учун партиянинг сайловолди дастури ихчам ва содда, барчага бирдек кўрсатиш ҳақлари (электр, иссиқлик энергияси, газ тўловлари) фондига ажратиладиган 0,7 фоиз, йўл фондига ажратиладиган 1 фоизлик тўловларни ягона солиқлар таркибига киритиш, ягона солиқ ставкаси бўйича белгиланган 13 фоизлик тўловларни ҳеч бўлмаганда 10 фоизга тушириш, ишчи-хиз-

Жумладан, халқимизнинг ҳаётида учраётган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, хусусан, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ҳақлари (электр, иссиқлик энергияси, газ тўловлари) фондига ажратиладиган 0,7 фоиз, йўл фондига ажратиладиган 1 фоизлик тўловларни ягона солиқлар таркибига киритиш, ягона солиқ ставкаси бўйича белгиланган 13 фоизлик тўловларни ҳеч бўлмаганда 10 фоизга тушириш, ишчи-хиз-

матчилардан олиннадиган даромад солиқлари миқдорини камайтириш каби масалалар ҳам мазкур дастурдан ўрин олса, айни муддао бўлар эди. Бундан ташқари, тегишли муаммоларни йўлга қўйиш ҳақида ҳам партия ўз нуктаи назарига эга бўлса, ёмон бўлмасди.

ЎЗХДП Андихон вилоят Кенгаши

ТИББИЙ ХИЗМАТ ВА АГРАР СОҲАГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Мени доимо бир муаммо қийнайди. Инсон иссиқ жон, касал бўлади, тўшака микробларнинг тарқалиши мумкин. Аввало, саломатлигимизни сақлаш ўзимизга боғлиқлиги рост. Лекин тиббий хизматнинг даражаси ҳам аҳоли саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Афсуски, айниқса қишлоқ жойларида тиббий хизмат кўрсатиш масаласи билан

мактаниб бўлмади. Зарур дори-дармон воситаларининг етишмаслиги ёки қимматлиги, тиббий малаканинг пастлиги ҳам саломатликни тиклашга кўмаклашмайди. Мен, партиянинг сайловолди дастурида тиббий хизмат кўрсатиш масаласи алоҳида эътиборга олиншини истаيمان. Зеро, миллат соғломлиги Халқ демократик партиясининг дастури мақсадларидан би-

ридир. Бундан ташқари, қишлоқ аҳли ҳаёти билан боғлиқ масалаларга Халқ демократик партиясининг алоҳида эътибор бериши зарур. Хусусан, аграр соҳа бўйича аниқ таклиф ва режалар кўрсатиш, яхши бўлар эди.

Бахриддин МУҲИТИДИНОВ,
ЎЗХДП аъзоси
Бухоро шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ ВА ТРАНСПОРТ КОММУНИКАЦИЯЛАРИ УЮШМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ҳудудида барча транспорт турларининг юк ва йўловчилар ташиш ишларини мақбул ҳолга келтириш, самарадорлигини ошириш ҳамда оқилона ташкил этиш, транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантириш ва барқарор ишлашини таъминлаш, транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги, «Ўзавтотўй» ДАК, транспорт коммуникациялари қурилиши билан шуғулланувчи республика лойиҳа ва қурилиш ташкилотларининг Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари этиб белгилансин:

барча транспорт турлари — темир йўл, ҳаво, автомобиль ва дарё транспортининг транспорт тузилмалари фаолиятини мақбул ҳолга келтириш, республика ҳудуди ва унинг ташқирисидо юклар ҳамда йўловчилар ташиш самарадорлиги ва мақбулликни таъминлашга қаратилган ҳамкорлигини мувофиқлаштириш; иқтисодиёт тармоқлари

ҳамда аҳолининг юк ва йўловчилар ташиш соҳасида муттасил ортиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда республиканинг Ягона туғаш транспорт тизимини истиқболда ривожлантириш комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш;

транспорт тармоғини ва логистика тизимини ривожлантириш, янги транспорт коммуникацияларини жадал суръатлар билан барпо этиш, уларнинг юк ва йўловчилар ташиш имкониятини ошириш ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

транспорт коммуникациялари ҳамда иншоотлари қуриш ва уларни реконструкциялаш, транспорт воситаларини янгилаш ва модернизациялаш учун инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, шунингдек инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши устидан

мониторингнинг амалга ошириш; трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича таклифларни халқаро ташкилотлар ва тузилмалар, хорижий мамлакатлар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш, халқаро юк ташувчиларга Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб транзит юклар ташишни қўлайлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш, транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида хорижий давлатлар билан мустақам, ўзаро манфаатли ва самарали алоқалар ўрнатиш; транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифода этиш;

республика транспорт тизими фаолиятининг барқарорлиги ва ҳавфсизлигини кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2004 йил 11 октябрь

★
Келгуси
сонда:
«... Депутатликка
номзодимни
қўймоқчи
эдим...»
таҳлилий мақола



БИЗНИНГ ОВОЗИМИЗ — ОЗОД ВА ОБОД ВАТАНИМИЗНИНГ БУГУНИ, ЭРТАСИ ВА КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Дикқат: махсус руқн! САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

26 декабрга санокли кунлар қолди. Ўтаётган ҳар бир кун бизни мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий воқеа — икки палатали парламент сайловиغا яқинлаштирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайлов олдинги сайловлардан мутлақо фарқ қилиши, мазмун-моҳияти, мақсади матлаби жиҳатидан бутунлай янги сайлов тизими эканлиги билан ҳам аҳамиятли ва қадр-қиммати юқори.

Бу сайлов республикамизда ҳуқуқий-демократик давлат, очик фуқаролик жамияти сари ташланган яна бир ўта муҳим қадам бўлади. Мамлакатни обод қилиш, ҳар бир инсонга муносиб ҳаёт кечириши учун имкон, шарт-шароит яратиш бўйича янги, асосий босқичлардан бири бўлиб қолади.

Бу сайлов нафақат Ўзбекистон, айни чоғда дунё ҳамжамияти ҳаётига ҳам дахлдор ҳисобланади, умумбашарий демократик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади, инсон манфаати, ҳуқуқлари ҳимоясини мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бўлажак сайловга тайёрлик ишларини қўллаб халқаро ташкилотлар, дипломатик миссиялар вакиллари, хорижий мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари катта қизиқиш билан кузатиб турибди.

Ҳар қандай сайлов яқини сайловчиларнинг хоши-иродаси, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, ўз бурчи, ҳақ-ҳуқуқини қай даражада англашига боғлиқ, албатта. Марказий сайлов комиссияси мамлакатимиздаги ОАВ сайлов комиссиясини очик, ошқора ва кенг ёритишни учун имкон қадар ёрдам кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, ОАВда сайловга

тайёрлик жараёнларига тобора чуқурроқ эътибор берилётгани сезилмоқда. Ўзбекистон телевидениесидаги ҳамкасбларимиз бу борда илғор тажрибалардан фойдаланишга ўтаётгани ҳам қувонarli, албатта.

Икки палатали парламент биз учун мутлақо янги сайлов тизими бўлгани учун ҳам табиийки, сайловчиларимизда қўллаб-қувватлаш туғилиши мумкин. Тўғри, сайловларга оид янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Аммо, бу китоблар ҳамма жойга ҳам етиб бормаслиги, ҳаммага ҳам етмаслиги мумкин. Сайловчиларни эса ҳар хил саволлар қизқитиради. Газетхонлар, партиямиз аъзоларидан келаётган хатлар, бўлаётган кўнгироклар ҳам бунини кўрсатиб турибди. Шу боис биз «САЙЛОВЛАР ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?» деган махсус руқнни ошишга қарор қилдик. Ва бугун дастлабки саволларга жавоб қайтараямиз.

Газетхонлар, партиямиз фаоллари ва аъзолари, умуман барча сайловчиларни қизқитирган саволларга Марказий сайлов комиссияси аъзолари, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, партиямиз раҳбарлари ёрдамида теозорлик билан жавоб қайтартишга ҳаракат қиламиз.

Саволларни мақтуб, шовилинчнома, телефон ёки электронпочта орқали беришингиз мумкин.
Манзилнинг: 700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-34.
Тел.: 133-65-45, 133-20-36, 133-44-55
Электрон почта: uzbovozi@sarkor.uz

2-бет

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI!
Тел: 132-25-51, 133-46-61, Факс: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Тел: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Факс: 136-76-22
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz
Хизматлар лицензияланган

САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Тахририятимизга келган дастлабки саволларнинг иккитасига жавоб беришни Тошкент давлат юридик институтининг доценти, юридик фанлари номзоди Фарход ТОҲИРОВдан илтимос қилдик.

«... Икки палатали парламент гоёси бизда қачон ва қандай тузилган? Бу олдинги парламентдан нимаси билан фарқ қилади? Унинг таркибий тузилиши қай тартибда бўлади?»

Бобоқул УСМОНОВ, Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат қўсатган ҳазордор.

— Бу савол, дарвоқе, кўпчиликни қизиқтирганга ҳақсан ўзим гувоҳман... Олий Мажлисимиз дастлаб бир палатали парламент сифатида ташкил топди. У ўз фаолияти давомида қонунчилик, давлат бошқаруви, ўтиш даври қийинчиликлари келтириб чиқарган ижтимоий муаммоларни ечиш борасида яхшигина тажриба тўплади. У қабул қилган қонунлар мажмуи ижтимоий ҳаёт жаҳазларини демократлаштиришнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этди. Айни пайтда яқин истиқболда ечимини кутаётган кўпгина масалаларнинг қўламлари ҳам аниқланди. Уларга қўра парламентни ислоҳ қилиш зарурати туғилди ва Президентимиз Ислоҳ Қарорининг унинг тузилишини ўзгартириш масаласини илгари сурди. Яъни, парламентни қўйи ва юқори палатали олий вакиллик органи сифатида қайта ташкил этиш таклифини билдирди.

Таклифни 2002 йил 27 январь кўни ўтказилган референдумда халқимиз қўллаб-қувватлади. «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий прин-

циплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилишига асос яратилди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг амалга оширувчи олий вакиллик органи бўлиб, икки палатадан — Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси (қўйи палата)дан ва Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата)дан иборат бўладиган бўлди. Қонунчилик палатасига сайлов округлари бўйича 120 нафар депутат сайланади. Сенат эса ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, у Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда, яъни 6 кишидан сайланадиган Сенат аъзолари (Сенаторлар)дан таркиб топадиган қилиб белгиланди. Сенаторларнинг умумий сони 100 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 16 нафарини Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлаши белгилаб қўйилди. Ҳар иккала палатага 5 йиллик ваколат муддати берилди.

Шу ўринда изоҳ бериш лозим, икки палатали парламент одатда мураккаб тузилишга эга бўлган федератив давлатларда шакллантирилади. Бундай парламент, унитар, яъни марказлашган давлатга мос эмас, деган нуктаи назарлар ҳам бор. Бирок, икки палатали парламентнинг сони эндиликда аксинча унитар давлатларда ҳам (Франция, Ирландия, Испания, Италия, Япония) ортиб бормоқда. Ҳозир ер юзидagi 200 га яқин давлатнинг қарийб 180 тасида Олий Қонун чиқарувчи вакиллик органи — парламентлар мавжуд.

«Парламент деб кўп эшитганман. Уни ўзимча ҳукумат деб тушуниб келаман. Лекин луғавий маъносини билмайман. Аслида у ҳам кенгаш шаклидаги тузилмами? У илгари Шарқ мамлакатларида бўлмаганми? Ана шу саволларимдан келиб чиқиб, яна бир тушунмаган жойим: кейинги пайтларда «парламентаризм» деган атама ҳам пайдо бўляпти. Уни қисқача қандай тушуна бўлади?»

Файзулла ХАЙДАРОВ, Касби туманидаги МТП хиссадорлик жамияти ходими.

— Жамиятнинг умумийлиги муассасаси сифатида дунёга келган парламент ўзоқ тарихга эга. Унинг илдизлари XII-XIII асрлардаги инглиз парламенти ва испан кортесларига бориб тақалади. Луғавий маъноси французча «гапирмоқ» деган маънони билдиради. Чинакам тарихи XVII-XVIII асрларда рўй берган буржуа инқилоблари давридан бошланади.

Бой сиёсий ва давлатчилик аъёнларига эга бўлган Шарқ мамлакатларида ҳам давлат бошқаруви тизимида табақа вакиллик, кенгаш шаклидаги тузилмалар мавжуд бўлган. Хусусан, салтанат соҳиблари маълум соҳалар бўйича кенгаш тарикасида фаолият юргизган маслаҳатчиларини ўз саройларида тутганлар. Кенгаш таркибидан шариат ва фикҳ илмининг билимдонлари, тарихчилар, қалам аҳли, олимлар ўрин олган бўлиб, улар кўпгина адабиётларда «сарой хизматчилари» ёки «сарой мулозимлари» деб юритилган. Масалан, Амир Темур кенгаш аъзоларини махсус фармон асосида ўн икки табақа вакилларидан тайинлаб, кенгаш ёки қўрултойда уларнинг ҳар бирини илм ва жамиятда тутган мавқеига қараб, қаердан жой олишига аниқ белгилаб қўйган. У ўз «Тузук»ларида ҳар бир тадбир ва ишнинг кенгаш маслаҳатига асосан олиб бурганини ва ворисларига ҳам келажакда унга қатъий амал қилишни тайинлаганини ҳақиқатда ёзади.

Парламентаризм дегани эса парламентнинг бошқа давлат, идораларига нисбатан устуворлиги, қонунчилик ва ижроия функцияларининг аниқ бўлиши тавсифланган бошқарув тизими деганидир.

Сўз — партия етакчиларига

ТАЙЁРГАРЛИК ПУХТА, ИШОНЧ ҚАТЪИЙ

Маълумки, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда мавжуд сиёсий партиялар ўртасида депутатлик мандатларини кўпроқ эгаллаш учун кескин курашлар кетиши табиий. Негаки, сиёсий партиялар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ўз партиявий таъсирини кучайтиришида катта имкониятни шу сайлов орқали қўлга киритади. Хўш, Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида, бошланғич партия ташкилотларида бу ўта муҳим сиёсий кампанияга ҳозирлик қандай? Мухбиримиз шу ҳақда сўзлаб бериши сўраб, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиб Муҳаммадали ИСОҚОВга мурожаат этди.

— Вилоят партия кенгаши туман ва шаҳар кенгашлари билан биргаликда бўлажак сайловларга тайёргарликни анча эрта бошлаб юборган. Жойларда партия кенгашлари аппаратлари ходимлари ва ХДПдан сайланган депутатлар билан биргаликда ўтказилган семинарларда икки палатали парламент ва унга сайловнинг моҳияти тўғрисида жуда кўп фойдали маълумотлар берилди. Вилоят-

кўришда муҳим омил бўлмоқда.

Партия гуруҳлари жойлардаги ижтимоий-сиёсий муҳитни ўрганиш, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш, обрў-этиборли инсонларни аниқлаш, ташкилотчилик қобилияти бор ёшлар, хотин-қизлар фаолларини ўрганиш борасида Учқўприк, Тошлоқ, Данғара, Фурқат туманлари, Қўқон, Фарғона, Марғилон шаҳар партия кенгашлари анча ижобий ишларни амалга оширдилар. Ҳозирги кунда ана шу гуруҳларнинг бевосита ёрдами билан барча округларда депутатликка номзодлар рўйхатини шакллантиришга киришилган.

Шунингдек, жойларда сайлов участкаларининг дислокациялари асосан белгилаб бўлингани учун, уларда ХДПдан тайинланадиган кузатувчиларнинг дастлабки рўйхатларини шаклланти-

ришга киришмоқдамиз.

Ўтган сайловлар тажрибасидан келиб чиқиб, аста-секинлик билан ҳар бир кўча ва кўп қаватли уйлар бўйича тегишли тарғиботчиларни аниқлаш, ҳар бир маҳалла, даҳа, кишлоқ бўйича кичик сайлов китобларини тузиш учун улар таркибларининг дастлабки рўйхатларини тузиш ҳаракатини ҳам бошлаб юбордик.

Сайловларга тайёргарлик кўришда бошланғич партия ташкилотларига сунамиз. Чунки ҳар бир партия аъзоси ўз ташкилотини ҳудудда фаолият кўрсатиши, сайлов округидаги аниқ ҳолатлар, воқеа ва ҳодисалар билан ёна-ён бўлади. ХДПдан депутатликка кўрсатилган номзодларни ҳам яхши билишлари ва уни тарғиб-ташвиқ қилишда асосий роль ўйнайди.

Алишер ИБДИНОВ ёзиб олди.

ХДП ҳаётидан

АҲДОДЛАРИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМИЗ

— Музейнинг нимаси қизиқ? — деб сўради бола ёндағи аёлдан.

— Ҳамма нарса сиқикарли, ҳаммаси, — деди аёл.

— Нималар, у ҳаммаси? — яна сўради қизикучан бола.

— Ҳали кириб, айланиб чиқайлик, нималар қизиқарли эканлигини сўнг ўзинг айтсан...

Бу Ўзбекистон тарихи давлат музейини томоша қилишга келган Собир Раҳимов туманидаги 24-мехрибонлик уйи тарбияланувчиларидан бирининг тарбиячи билан савол-жавоби эди. Музейга таъриф буюрган мехрибонлик уйининг юзга яқин тарбияланувчиларига ЎзХДП Сирғали туман кенгаши қўшиқдаги «Хайт мактаби» ёшлар клуби аъзолари ҳамроҳ. Чунки, асосан тумандаги коллежлар талабаларидан иборат бу клуб аъзолари мехрибонлик уйи тарбияланувчилари билан ака-

ука, опа-сингил тутинишган. Клуб ўзининг сентябрь ойида бўлиб ўтган йиғилишида бир йиллик иш режасини ишлаб чиққан эди. «Аҳдодаларимиз тарихини ўрганамиз», деб номланган бу тадбир режалаштирилган ишларнинг биридир.

— Мехрибонлик уйида менинг Собир исмли тутинган укам ва Зулайхо исмли синглим бор, — дейди Сирғали политехника касб-ҳунар коллежи талабаси Элбек Донёров. — Уларнинг хўлидан хабар олиб тураман. Шаҳарни айлантиришга олиб чиқаман. Улар ўз жигаримдек бўлиб қолган. Болалар акалари, опалари, устозлари ҳамроҳлигида музейни мароқ билан томоша қилишди.

— Бу ер менга ёқиб қолди. Энди бизни тез-тез олиб келасизларми? — деб сўради қизикучан бола тарбиячидан.

— Албатта, болам, — деб жавоб берди тарбиячи.

Бехзод ШУКУРОВ

Навбахор туманининг «Истиқлол» ширкат хўжалигида жойлашган Фурқат номидаги 6-сонли ўрта мактаб яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Шу

«ИСТИҚЛОЛ»ДА ЯНГИ МАКТАБ

боис ушбу мактаб вилоят ҳокимлиги ҳамда Навоий тоғметаллургия комбинати ҳамийлигида энг қулай ва ҳушманзара жойда қайтадан барпо этилди. Икки қаватли бу ўқув максадида 422 нафар ўқувчи таълим олмақда. Ушбу мактабдаги компьютер, лингафон ва спорт залы ўқувчи-ларни яхши тарбия қилишга заруриятини бунёд этишди.

Музаффар ШАРОВ

Қонун ижроси билан кучли

ПРОКУРАТУРА ПРОТЕСТИ ҚАНОАТЛАТИРИЛДИ

Йўқса, етимлар ҳақиқа ҳиёнатнинг хаспўшланиши ҳали анча давом этармиди?

Қаерда адолат бўлмаса, эъронлик кўчада. Қонунга итоат этилмаса, зулм бўлади. Бунинг интихоси — текшир-текшир, ёза-ёза авжига чиқади. Вақт йўқотилади. Умр аталмиш бебаҳо неъмат ойнаси хира тортади. Асабзарлик ва ташвишлар гирдобини инсонни ўз исканжасига олади.

— Баъзан қисмат кишига турли кўргуликларни инъом этар экан, болам, — дейди Денов туманидаги Шоймардон Қобилов номидаги ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи 81 ёшли Рўзи бобо Хасанов. — Пешона экан, барига чидадим. Қизим Қўрбонийнинг турмуш ўртоғи вафот этгач, 5 нафар фарзанди билан 1995 йилда уйимизга кўчиб келди. Уша йилнинг март ойида хўжаликнинг собиқ раиси Эшмурод Хўжамбердиев номига уй-жой қуриш учун ер майдони бериши сўраб ариза бердик...

1996 йилнинг апрелида бошқарувнинг 8-қарорига асосан қизим Хасанова Қўрбонийга 12 сотих ер майдони ажратилди. Шу майдонда икки хонали уй қурдик. Аччиқ тақдирини қаранг, орадан икки йил ўтиб, 1998 йилнинг 8 апрелида қизим ҳам оламдан ўтди. 5 нафар етим гўдаклар биз — чолу-кампир қарамонига қолди.

Ўтган йили Жамшид Тошпўлатов марҳума онаси номидаги 12 сотих ер майдонини ва уй-жойини меросхўр сифатида ўз номига ўтказиб беришларини сўраб, хўжалик бошқаруви раиси Хайдар Хўшматов номига ариза ёзди. 2003 йил 14 апрелдаги 7-қарорга асосан 12 сотих томорқа, уй-жой Жамшид Тошпўлатов номига ўтказиб берилди.

...Муаммо ечимини топгандек эди. Бирок...

Жамшид Тошпўлатовнинг барча ҳужжатлари рисоладагидек бўлса-да, бугун 12 сотихдан иборат ер майдонининг 4 сотихини «уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» — хўжалик бош ҳисоб-

чисининг ёрдамчиси Холмўмин Жумаев эгаллаб келмоқда.

— Адолат истаб ўтган йили туман ҳокими Абдулҳаким Эшмуратов қабулига кирдим, — дейди Рўзи бобо. — Воқеани рўй-рост тушунтирдим. Орадан бир қанча вақт ўтиб, ҳокимнинг 2003 йил 19 июлдаги 483-қарори чиқди. Унда жумладан шундай дейилади:

1. Денов тумани, Ш.Қобилов номидаги ширкат хўжалигининг «Янгибод» қишлоғида марҳума Хасанова Қўрбонийнинг уй-жой ва ховлиси ичигада қўшимча биноларни расмийлаштириш бўйича 2003 йилнинг 16 июнида тузилган далолатнома тасдиқланди.

2. Марҳума Хасанова Қўрбонийнинг Ш.Қобилов номидаги ширкат хўжалигининг «Янгибод» қишлоғидаги уй-жойи, умумий майдони 1200 кв.м.ер участкасида А литер буйича 2 та яшаш хонасидан иборат, яшаш майдони 29.0 кв.м. умумий фойдаланиш майдони 42.0 кв.метрни ташкил қилди.

3. Биноларни техник инвентаризациялаш бюросининг Денов туман бўлими ушбу уй-жой кодексининг 9-моддаси ҳамда Адлия вазирлигининг рўйхатдан ўтган 387-йўриқномаси асосида давлат рўйхатига олинсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Ҳолиқов зиммасига юклатилсин.

...Ҳайрият, ҳақиқат бор экан, деб ўйлаб юрган Рўзи бобо яна янги галвага дуч келди.

— Туман ҳокими ҳам нотўғри қарор чиқарган, — деди Холмўмин Жумаев. — Мен бу қарорни тан олмайман. 1996 йилда ҳеч кимга 12 сотихдан ер майдони ажратилмаган. — Ахир марҳума Қўрбоний Хасановага қарор чиқарилганми? — Бу сохта қарор. Уни мен тан олмайман. Бу майдон

менга тегишли...

Хуллас, Денов туманларо фуқаролик судининг 2003 йил 22 сентябрдаги қарорига биноан 870 кв.м. ер майдони тенг иккига бўлиниб, томорқанинг қоқ «белидан» тўсиқ — тўр тортилди...

Ана сизга ҳақиқат!

Аслида бошида судья Фахриддин Ашуров ишни адолат мезонига кўрганида олам гулистон эди. Қолаверса, хўжалик бошқаруви раиси Хайдар Хўшматов аррани тўғри тортишга аллақачон ҳақиқат аталмиш одил сўз қарор топармиди? Шундай мутасаддиқ қарор қачонгача «арғумоқ»ни пеш қилишарди?

Саксон ёшдан ошган отахон тоқайгача эшикма-эшик бош суқайди? Беш нафар норасида тақдирини-чи?...

...Холмўмин Жумаевга қонун мезонлари тушунтирилмоқчи бўлганда: «...Ғалим — гап, менга шу томорқа керак, вассалом», — деб оёқ тираб олаверди. Яхшиямки, прокуратура бор экан. Денов туман прокурори вазифини бажарувчи, адлия кичик маслаҳатчиси Б.Саматов бобога (8 февраль, 2004 йил, №8-02-04) хат йўллаб: ... Ёзган аризангиз текширилди ва суднинг 22 сентябрь 2003 йилда чиқарган ... ҳал қилув қарорига нисбатан кассация тартибда протест киритилди» деб жавоб қилди.

2004 йил 29 март кўни фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди биносида кассация инстанцияси бўйича бўлиб ўтган очик суд мажлисида судлов ҳайъати даъвогар Рўзибобо Хасановнинг шикоятини ва Денов туман прокуратураси кассация протестини қаноатландирди. Пировадида, ер даъвогарга қайтариб берилди.

Қиссадан ҳисса: ҳақиқат эгилди, букилади аммо синмайди.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Бир шикоят тарихи

«Мен шу ерда йигирма йилдан буйи муқим ишлаб келмоқдаман. Корхона раҳбари Очил Мирқандов ўз ҳақомоқлари билан турли тўхматлар уюштириб, ишдан бўшатди...» — деб ёзади шикоятчи тахририятга йўллаган мактубида.

Келинг, гапни бошидан бошлайлик: 2003 йилнинг декабрь ойида корхона мулки талон-тороғ қилинишига қарши тадбир ўтказилди. Унда 1,2-ишлаб чиқариш бригадалари ишчилари С.Исмамова ва М.Абдиева 2003 йил 5 декабрь кўни ўз вази-фаларига совуққонлик билан қараганликлари оқибатида 2-ишлаб чиқариш бригадасидан 70-марка, 29-группа 1-нав олий толадан 2 та 68,94-рақам билан, битта той тала эса бутунлай рақамсиз ўлчанмай чиқарилганлиги, 1-ишлаб чиқариш бригадасидан ҳам айнан шу группа, шу марка билан 155-рақамли той толаси битта рақамда икки марта чиқарилганлиги аниқланди. Бу хол заводга 659,923 сўмлик зарар келтирди. Натижда корхона-нинг бўлим бошлиқлари тузган далолатномага кўра №173-а сонли буйруқ билан ҳар икки ишчига хайфсан эълон қилинди.

Орадан уч кун ўтиб, 2003 йил 11 декабрь кўни табелчи Г.Юнусованинг билдириш-номасига кўра, М.Абдиева ишга кечиб келганлиги ва корхона ҳудудида рухсатномасиз кирганлиги учун ойлик маошидан 20 фоиз жарима ундириш тўғрисида №175-а буйруқ чиқди. Бу борада корхона касабга уюшмаси раиси Б.Шарипов ва ҳуқуқшунос К.Қувондиқовларга маълум қилиниб, келгусида бундай ҳолатлар яна такрорланса, қатъий чоралар кўрилиши ҳақида расмий ҳужжат битилди.

корхона соқчилар бўлими бошлиғи Р.Дўстмуродов ва бошқа навбатчи соқчиларнинг 2003 йил 26 декабрда ёзган маълумотномасига асосан кузатув кенгаши ҳамда касабга уюшма кўмитасининг қўша йиғилиши чаркириди. Йиғилиш кун тартибига 2-ишлаб чиқариш бри-

ва расмийлаштирилган буйруқларга кўра М.Абдиева бир овоздан вазифасидан четлатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинди. Шундан сўнггина корхона раҳбари О.Мирқандов Ўзбекистон Республикаси МКнинг 100-моддаси, 3-қисмига асосан ишчи М.Абдиевани ишдан

айил, 28 март кўни) фуқаролик ишлари бўйича Пастдаргом туман суди эса даъвогар — М.Абдиеванинг жавобгар — «Улғубек» пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамиятига нисбатан «ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрганлик учун иш ҳақини ундириб бериш» тўғрисидаги даъво ари-

ЭНГ ОЛИЙ

Пастдаргом туманидаги «Улғубек» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти корхона ишчисини Мунаввар Абдиевани «тартиббузарлиги» учун ишдан бўшатишган эди. Фуқаролик ишлари бўйича туман суди эса даъвогарни ўз ишига қайта тиклади...

гадаси ишчисини М.Абдиеванинг хулқини муҳокама қилиш масаласи қўйилди.


Кузатув кенгаши аъзоси А.Тошматов ва касабга уюшмаси раиси Б.Шариповлар ишчи М.Абдиева устидан ҳуқуқшунос К.Қувондиқов хулосасини ҳамда корхонадан техник чигитни ўғирлаб чиқарганда қўлга тушганлиги тўғрисидаги далолатномани, соқчилар томонидан ёзилган билдиришномаларни ўқиб эшиттирдилар. Мажлисда эса улар орадан салкам уч ой ўтиб, буйруқларга тиркалган. 2003 йилнинг 28 декабрь

засини қаноатландирди. Негаки, суд ишчи М.Абдиеванинг ҳар бир содир этган хато-камчиликларини юноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида вақтида ундан тушунтириш хатлари олинмаганлиги ҳамда қўрилган чоралар борасидаги ҳужжатлар билан қонундаги кўра даъвогар таништирилмаганлиги учун корхона маъмурияти ноҳақ, деб топилди. Жабрланувчи М.Абдиевани қайта ишга тиклаш ва етказилган моддий зарарларини ундириш тўғрисида (судья С.Алибеков раислигида) ҳал қилув қарори чиқарилди...

Орадан яна 3 ой ўтиб, (2004

Шарҳ

АФҒОНИСТОН: САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ, ҒОЛИБ АНИҚЛАНМОҚДА



беради. Сайловда Юнус Кануний Хамид Карзайга асосий рақиб бўлди. Тожик миллатига мансуб бу давлат арбоби Карзай ҳукуматида олдин ички ишлар, сўнгра таълим вазири бўлди. Ташқи ишлар вазири Абдулло Абдулло, маршал Фаҳим ва бошқа миллатдошлар каби Кануний мамлакатда катта оғуру ва таъсир кучига эга. Агар сайлов натижаларига кўра, эллик фоиздан ортиқ овоз олган яқка ғолиб аниқланмаса, у сайловнинг иккинчи босқичида, яъни такрор овоз беришда қатнашиши эҳтимоли бор.

Шанба кун Афғонистонда президент сайлови бўлиб ўтди. Бу кўп йиллик уруш жабрини тортган мамлакатда ўтказилган биринчи демократик сайлов эди. Жафокан халқ илк бор эркин овоз бериш йўли билан ўз истак-хоҳишини ифода этди. Бу мамлакатни қайта тиклаш, янги жамият қуриш, тинчлик ва бунёдкорлик йўлида қўйилган дастлабки ҳуқуқий қадамдир.

ситалари тарқатган хабарларга қараганда, сайлов кун президентликка номзод Юнус Кануний ва уни қўллаган яна ўн тўрт нафар номзод овоз беришни тўхтатишни талаб қилишган. Чунки, жойларда қонун бузилиши ҳоллари, жумладан, бюллетенларни олдиндан тўлғазиб қўйиш, ортиқча бюллетенлар тарқатиш, бармоқни бўяш учун сийёхнинг йўқлиги, саводсиз сайловчиларни жалғатиш, сайлов участкаларини ёпиб қўйиш, ҳукумат вакилларнинг Хамид Карзай учун овоз беришга даъват этишлари каби ҳолатлар кузатишган. Сайлов ўта мураккаб шароитда ўтказилганлиги сабабли жойларда баъзи қонунбузарлик ҳолатларига дуч келиниши табиий ҳол. Бунга матбуот учун берган баёнотларида Хамид Карзай ҳам, БМТ вакиллари ҳам эътироф этишди. Бирок бу овоз беришни тўхтатиш ёки сайлов ўтмади, деб ҳисоблаш учун асос бўла олмас эди. Сайлов комиссияси ҳар бир қонун бузилиши ҳолатини ўрганиб чиқади ва ўз ҳулосасини

Масъумки, комиссия таркиби БМТ ҳамда Афғонистон ҳукумати вакиллари билан иборат. Умуман, сайлов БМТ назорати остида ўтказилди. Шунингдек, бошқа бир қанча халқаро ташкилотларнинг вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этдилар. Овоз бериш жараёнида жойларда қатъий хавфсизлик чоралари кўрилди.

Хориз оммавий ахборот во-

«АЛ-ҚОИДА»ГА ДАХЛДОРЛИКДА ГУМОН ҚИЛИНИБ...



худудига ноқонуний равишда киришга уриниш чоғида ушланган. «Дастлабки тергов бу одамларнинг Усама бин Лодин билан боғлиқлигини кўрсатган, лекин бу алоқаларнинг қандай тус-далиги ҳозирча аниқланмади», — деди ал-Мабрук. Ички ишлар вазири ҳибсга олиш амалиёти билан боғлиқ барча тафсилот яқин вақтда маълум қилинишини айтиди.

ТЕЗЛИКНИ ОШИРГАНИ УЧУН



Исроил полициясининг бошлиғи Моше Каради йўл полицияси бошлиғини тезликни оширганига учун ишдан бўшатган. Йўл полициясининг минтақавий бўлими раҳбари Давид Газ чоршанба кун тезлик чеклови жорий этилган йўл қисмида айбдор сифатида ушланган.

Очил МИРҚАНДОВ, «Улугбек» пахта тозалаш хиссасдорлик жамияти раиси:

— Бу ерда мен раҳбар сифатида фаолият бошлаганимга бир йилдан ошаптим. М.Абдиевага ўхшаш айрим ишчи-хизматчилар илгари иш жараёнида ўзларини доимо учун масалани аввалига корхона доирасида ҳал қилишга уриндик. Натижа бўлмади. Сунда ноҳақ деб топилишимизнинг сабаби — у кишидан вақтида (темирчи қизғида босиш керак экан!) тушунтириш хати олмаганимиз бўлди. Лекин, кўрилган барча чоралар тўғриси-

даги ҳужжатлар билан танишишдан бош тортганлиги борасида ҳам далолатномалар бор. Тўғриси, бу мамлашлар ишимизга ҳам, меҳнат жамоамиз кайфиятига ҳам салбий таъсирини кўрсатапти. Нима дердим, бундай одамларга Оллоҳнинг ўзи инсоф берсин. Бир қарашда раҳбар ҳақ, Аммо ҳужжатлардаги чалқашлик, юз-хотирлик ва корхона оғуруси деб қилинган ортиқча андишлар вазиятни янада оғирлаштиради.

Б.ШАРИПОВ, корхона касаб-ушумаси раиси:
— Машмашларда иккала томоннинг ҳам айби бор. Мунаввар Абдиевнинг бирин-

надан зиёд хомашёсини қайта ишлаш учун бошқа заводларга берган бўлса, 2003 йилда 7 минг тоннадан ортиқ хомашёни улардан олиб ўзи қайта ишлади. Тола сифатини сақлаш, чигит ишлаб чиқаришда ҳам олдинги йилларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эришди. 2002 йилда корхона соф фойдаси 25 млн. 900 минг сўм бўлиб, рентабеллик 1,1 фоиз эди. 2003 йилда эса соф фойда 68 млн. 79 минг сўмга ошди, рентабеллик 1,9 фоизга кўпайди.

Тартиб-интизом ҳам шунга яраша ўрнатилган, назорат кучли. Раҳбарият билан М.Абдиева ўртасидаги келишмовчиликларнинг бош сабаби — ҳамкасбим (ва унга ўхшаш айрим ишчилар) аввалги раҳбарлар давридагидек эркинроқ юриб-туришни хоҳлашяпти, чамаси. Лекин савол туғилади: давоятро меҳнат интизомини бузётган ёки майда ўғрилик билан шуғулланаётган бўлса, нега раҳбарият вақтида прокуратура идораларига ёзиб бермади? Сўхбатларимиз сўнггида (таъбир жоиз бўлса) «ғалаба» нашидасини сураётган «қажрамони» миз Мунаввар Абдиевадан сўз олдик:

— Мен ҳақ эканман-ки, одил суд ҳуқуқимни тиклади, — деди у аллақандай такаббурлик билан. — Лекин одамлар юз-хотир қилиб, раҳбарларнинг бор камчиликларини айтишмади... Опанинг бу гапига тўла қўшилимаган ҳолда яна сўрадик: — Узингиз томондан содир этилган хато-камчиликлар ҳақида нима дейсиз? — Мен томондан жазага тортилган бўлган хатолар бўлганмас. Раҳбарият менга ўчакишиб қолди, холос... Шунинг учун ҳам қандай бўлмасин мендан хато топишга уринишяпти. ... Опанинг бу жавобини бутунча қувватламоқчи эмасмиз. Халқимизда «қарс икки қўлдан», деган мақол бор. Шу нуқтани назардан ҳолисона муносабат билдираяпмиз, холос. Ким ҳақ, ким ноҳақ, газетхоннинг ҳуқуқига ҳавола. Одамзот баъзан ўз ноҳуқиясини яширишга уринади, баъзан исботланган бўлса-да, тан олгани келмайди. Қолаверса, «бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун баракка кўтарилади» деган гап бор.


Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҲАКАМ...

«эркин» тутишга ўрганиб қолишган экан. Биз эса бундай «эркин»ликка чек қўйишга ҳаракат қилдик. Меҳнат интизоми ва назоратни ҳамма учун бирдек қилиб қўйдик. Интизомни бузганликлар учун нафақат М.Абдиева, бошқа ўнлаб ходимлар ҳам жазоланди. ...Ўғирлик бор жойда баракка бўлмайди. Опа кетма-кет майда ўғирликлар билан шуғулланаётганлиги тўғрисида корхонамизнинг тегишли бўлимлари томонидан расмий маълумотлар олабольшадик. Масалан, мумкин эди, бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот органларига вақтида маълум қилишимиз, лекин айбимиз шундаки, биз жамоа оғуруси

сўраганлик ва қарор қабул қилувдик. Чунки опа йиғилишда айбига иқдор бўлиб, эҳтиётсизлик оқибатида содир этган хатоси учун жамоадан кечирим сўраганди. Кейинги ҳолатлар юзасидан тўплаган ҳужжатлардаги ноаниқликлар туфайли эса у судда ҳақ бўлиб чиқди. Иш шу даражага етар экан, бунча галва кимга керак эди ўзи... **Жўракул АННАКУЛОВ, 1-бригада ишчиси:** — Бир ҳақиқатни тан олиб айтиш керак: корхонамиз фаолияти аввалги йилларга қараганда ҳозир анча яхшиланди.

БИЗНИНГ ИЗОХ: корхона 2002 йилда 8 минг 400 тон-



ДВИГАТЕЛИ ИШДАН ЧИҚДИ

Россияга қарашли «Профессор Богоров» илмий-тадқиқот кемасининг асосий двигатели бузилганлиги сабабли Япония денгизиде ҳаракатсиз қолган. Владивосток денгиз кутқарув-мувофиқлаштириш марказидан хабар қилинишича, кема Находка шаҳридан 160 миля нарида турибди. Денгиз оқошига, кучли тўлқинлар ва шамол бўлмапти. Владивостокдан чиққан «Юрий Орленко» кутқарув кемаси ёрдамга шошилмоқда. «Профессор Богоров» тижорат катновини бажаради. У Япониядан Приморьега енгил автомобиллар туркумини етказди.

ИСЛОМ ҚОНУНЛАРИГА ЗИД



BBC Newsнинг сайтыда тарқатилган хабарда айтилишича, Мисрнинг «Ал-Гамаа ал-Исломия» террорчилик ташкилоти вакиллари Синай ярим оролидаги террорчилик хуружлари ислом қонунларига зид эканлигини маълум қилган. Экстремистлар тушунтиришича, портлашлар натижасида аёллар ва болалар ҳалок бўлган, бу мусулмон динида қораланади. Бу гапларни террорчилик ташкилоти вакили қай мақсадда айтгани ўзига маълум. Аммо, беғуно одамлар қонини тўкиш ҳам, террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши ҳам мусулмончиликка ётлиги ҳаммаимизга маълум.

«Ал-Гамаа ал-Исломия» гуруҳи 1998 йилда Миср хавфсизлик кучлари томонидан йўқ қилинган, унинг қолган аъзолари ярашиш тўғрисида битим тасдиқ қилганди. Ташкилотнинг сўнгги марта амалга оширган террорчилик хуружи 1997 йилда Луксордаги портлаш бўлган. Ушунда 58 нафар хоржий сайёҳ ҳаётдан кўз юмган. Исроил ва Миср ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари Синай ярим оролидаги портлашлар ортида «Ал-Қоида» ёки у билан боғлиқ бўлган кичикроқ гуруҳ турибди, деган таҳминини билдирмоқда. Ушбу иш юзасидан бир неча ўнлаб бадавий ҳибсга олинган. Улар тергов билан ҳамкорлик қилиб, қўплаб маълумотларни беришган. Чунки, улардан бири номаълум кишига портловчи моддалар сотганини эътироф этди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, жумага ўтар кечаси рўй берган портлашлар натижасида 34 киши ўлган, 105 киши жароҳат олган.

ЛИТВА: МЕҲНАТ ПАРТИЯСИ ОЛДИНДА



Яқшанба кун Литвада бўлиб ўтган парламент сайловларининг дастлабки маълумотларга кўра, келиб чиқishi рус бўлган литвалек Виктор Успаских бошчилигидаги Меҳнат партияси учун сайловчиларнинг 37,74 фоизи овоз берган. Республика давлат сайлов комиссиясининг маълум қилишича, Бош вазир Альгирдас Бразаускас бошчилигидаги социал-демократик партия ва Литва сейми спикери Артурас Паулаускас бошчилигидаги «Новый союз» социал-либерал партия коалицияси 20 фоиз овоз билан иккинчи ўринни эгалламоқда.

Олотдаги «Олотекс» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси тамгаси босилган маҳсулотлар бугун Германия, Эстония, Туркия, Россия, Арманистон каби қатор хорижий мамлакатлар бозорларидан мустаҳкам ўрин олмоқда. Иш


«ОЛОТТЕКС»НИ ЖАҲОН ТАНИМОҚДА

башлаганига ҳали кўп бўлмаган корхона бу мавқега қандай эришди? Биринчидан, корхонада тайёрланаётган матолар жаҳон андозаларига тўла жавоб берса, иккинчидан, бу ерда ҳозир харидор талаби ва дидига қараб эни бир метру олтиш сантиметрдан тортиб, то уч метру юз сантиметрлик матолар тўқилаяпти. Бунинг устига, тўла сифати ҳам юқори бўлмоқда. Шу боис, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида режадаги 3 миллиард 452 миллион сўмлик ўрнига 4 миллиард 366 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Даврон БАҲРОНОВ

ҚОЛОҚЛИК ОРТДА ҚОЛДИ

Ангрен — мамлакатимизнинг йирик саноатлашган шаҳарларидан. Тазкидлаш зарур, бир неча йиллар олдин шаҳардаги қатор корхоналар оғир иқтисодий жараёни бошдан кечирди. Сўнгги йилларга келиб, улар аста-секин оёққа тура бошлади. Бу ердаги автобус-таксомотор очиқ турдаги хиссасдорлик жамияти шундай корхоналардан бири...



Илгари хиссасдорлар олдида эҳтиёт қисмлар, ёнилги-мойлаш материалларининг етишмаслиги катта муаммолардан эди, бугунги кунда бу муаммолар тўла ҳал этилди. Натижада, хайдовчиларнинг кунлик нақд пул топиши режаси муттасил ортиги билан уддаланмоқда. Жорий йилнинг ўтган 8 ойида жамоа салкам 543 миллион сўм даромад қилди.

— Аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш тизимида рақобат қучайиб бораётган ҳозирги пайтда фойда асосида ишлаш осон эмас, — дейди **жамият раиси Незмат Эралиев**. — Шунинг учун ҳам биз йил бошидан оқолига намунали хизмат дастур-режасини ишлаб чиқдик. Маркетинг хизматини йўлга қўйиб, ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларини вақтида тўлаб беришга эришдик...

Тўғри, ҳали ечимини қутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, корхонамизнинг 180 миллион сўмлик дебиторлик қарзларини ундириб олиш қийин бўлаяпти. Шунга қарамай, жамоамиз шаҳардаги «Меҳрибонлик уйи», 31-болалар боғчаси ва «Кўктерек» маҳаллаларидаги ҳам таъминланган оилаларга муттасил моддий-маънавий ёрдам бериб келаяпти. Ҳадемай, корхонамиз худудиде шинамгина спорт майдонча ҳам ишга тушади.

Усмон АЗИЗ
Суратда: жамоанинг илғор ишчиси Абдували Хожимуратов иш устида.

Турмушнинг дарз кетган жойлари

«КЎРМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ...»

Ҳаётда адашган, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган аёлларнинг афсус-надоматлари

Кўхна бу дунёда мен бир йўловчи, сиз ҳам, у ҳам. Аммо ҳар кимнинг турмуш тарзи ҳар хил экан. Биринчи ҳалол яшаб, пешона тери эвазига тинч умр ўтказамиз, кимдир турмушнинг икки-чиқирлигига ўралашиб, қийналиб яшаяпти. Кимлар эса йўлдан адашади, ўз бошига мингбир савдонни сотиб олади. Шу зайдда тиркичилик гилдираги айланаверади, умр ўтаверади. Ҳаёт бизни битта чорраҳада — иймон чорраҳасида бот-бот синаб-синаб кўраверди. Кўп ўйларим, аёл кўз ёшиз йиғларимкан?.. Бугун кўрдим, йиғларкан, турмушнинг минг бир кўчасига бош сукиб илкисини адашиб, «жиноятчи» деган номни орттирган аёллар шундай ҳолатга тушишар экан.

Ростини айтсам, мени «УЯ-64-7» аёллар жазосини ўташ муассасасидаги тадбир-га таклиф этишганда, ғалати бўлиб кетдим. Бундай муассасаларнинг фақат киноларда кўрганам боис, озода, ҳаммаёқ саришта, ховлиси тўла гулзор деб тасаввур этмаганман. Ушбу муассасада Узбекистон Хотин-қизлар кўмитаси мунтазам равишда маданий-маърифий тадбирларни ўтказиб келади. Мен ақинда улардан бирида иштирок этдим. Махбўслар билан сўхбатда, қандай қилиб бу оламага кириб қолганлиқлари билан қизиқдим.

аралашмасдим. Бирининг мен билан иш йўқдай эди. Майлими, ёзган шеъримни ўқиб берсам... Махбўс шеър ўқийди, онаси, боласи ҳақида. Унинг «Онажоним бир кун мен ҳам уйгинамга қайтарман пойнингизга бошим қўйиб, минг бор уэр айтарман» шеърини икки мисраси хаёлимга ўрнашиб қолди. — Одамни жазо ҳам тарбиялар экан, беш йилга қамалдим, наркотика нималагини ҳам билмасдим, нопок одамлар аризмаган пул билан йўлдан уришди, пушаймонман, ўғлим Зафар 3 яшар, қизим Хуршида 4-синфда ўқийди, оиламни кўмсмайман, — дейди Сурхондарё вилояти, Денов туманилик махбўс Малика Шерова. — Болаларим, яқинларимни, ҳеч кимни бундай қинғир йўлга киргазмаган бўлардим. Сабоқ бўлди. Тинчгина турмушнинг бор эди. Аёллардан, оналардан ўтинчим, ҳеч қачон бу қинғир йўлга кирмасинлар.

Турли сабаблар билан жиноят оламига кириб қолган бу аёллар шахсий ҳаётларидан кўра, эртага фарзандларининг шаънига пугур етишидан, элнинг назаридан тушганларидан қаттиқ афсусланишларини қайта-қайталаб такрорлашади. Уларнинг бари гнёвдан моддалар савдоси билан шуғулланган, кимдир фирибгарлик, яна бири эса энг оғир жиноятчи кўл ўрган. Тўғри, одам ўлдириш ҳам ҳар хил ҳолатда содир этилиши мумкин. Қаршинда мултираб ўтирган аёлнинг қотиллигини ўйласам, хаёлим беихтиёр тўзғийди. Унинг қўзлари намсиз, лекин сўзлари дилин йиғлатади.

Фарғона вилоятининг Учкўприк туманиданман, — бошини қуйи эгиб гап бошлайди махбўс Гулнора Фармонова. — Гулфира, Гуллола, қизларим 12,14 ёшда. 15 йилга қамалдим, муддатнинг бор-йўри тўрт ойи ўтди, қачон озодликка чиқарканман? Технолог-инженер эдим, уйда тикувчилик қилардим, билмай шу қўйга тушиб қолдим. Ақлимни йиғдим, барбир, қизларимга керакман. Адашдим, қаттиқ янглишдим, бир ишни қилишдан олдин оқибатини ўйлаш керак экан. Бошим тошга урилди... Афсус-надоматдаман, эртага қизларимнинг бўйи етпти, ким эшигимга совчи бўл келади? Ким улари келин қилади? Улар мен қилган хатонинг қурбони бўлишини истамайман. Қани энди, ҳаётни орқага қайтариб бўлса...

Жиноят дунёси шундай қабиҳи, ёшми, қарими, барибир иродаси бўш одамни ўз гирдобига тортиб, ботқоқига боттираверади. Махбўсларнинг тавба-тазарруларини эшитиб ўйлайман: бугун енгил-елли йўллар орқали мўмай пул топишга илнжиде ўзини турли балоларга ураётганлар, қанийди уларнинг гапларини эшитса... Сўхбатлашганларимнинг баъридан сўраб кўрдим: «Маҳалладаги тўй, аза, тадбирларда қатнашиб турармидингиз?». Улар: «Маҳаллага «қизиқмайман», «аралашмасдим» ёки «эсимда йўқ» деб елка қисиб қўйишади. Адашган аёллар ўзи яшаган маҳаллага «қизиқмайман» турган гап. Лекин маҳаллачи? Ахир бу хотинлар онадан жиноятчи бўлиб туғилмаган-ку. Ёки бирданга шу кўчага кириб қолмагандир?

Яна бир махбўс сўз сўраб ёнимага келди. — Айтадиган гапим, ҳеч бир аёл бу йўлга кирмасин, қўзини каттароқ очсин, кейин... кейин кеч экан. Термиз шаҳриданман, Ўзбекистон Жиноят Кодекси 273-моддасининг 5-қисми билан айбонлиб, 11 йилга қамалганман, уч ярим йилдан бери жаза ўташ муассасасидаман. — дейди махбўс Қурбоний Шералиева. — Уй бекаси, бекорчи эдим. Ўғлим бор. Қаллоб одамлар мўмай пул ишлашсан, деб йўлдан оздиришди, илнгириб олгач, ҳар қўйга солишаркан. Афсус, бунга тушганимда кеч бўлганди, жазоимни олдим. Ҳозир 36 ёшданман, болаликда саньатор қўлишим, қўшқ айтишни оруз қилардим. Жиноятчи бўламан, деб ўйламагандим. Одамлар қатори бирор жойда ишлашам шу қўйга тушмасимдим? Маҳалладаги тўй, азага

Мамлакатимизда «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон (ижросини таъминлаш учун ҳаракат Дастури) асосида кенг қўламадаги эзу ишлар бошланди. Бугун вилоят, туман хотин-қизлар кўмиталари раислари қайта сайландилар, янгича фикрловчи, шу куннинг ташвишлари билан ҳамнафас, бой ҳаётий тажриба, илмга эга фаол раҳбар кадрлар иш бошладилар.

Зеро, жамиятимиздаги ҳар бир аёл, хотин-қизнинг ҳаёти, турмуш тарзи маҳалла фаолияти билан қатнашса болғидир, демак, уларнинг барчаси маҳалланинг фаол аъзосига айланмоғи лозим. Маҳалла — халқ академияси, у тарбия ўчоғи, меҳр масканидир. Аёл эса шаҳарамизнинг давомийлигига дахлдордир. У — она, фарзанд тарбияси учун яралган, у — садақат рамзи, бағр учун яралган... Қўнглим тубида яна бир сўз айланади: аёлга меҳр беринг, у меҳр учун яралган!... **САЪДА САЙХҲҲОН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Спорт

Болалар спортини ривожлантиришда Қоровулбозор туман ҳокимлиги Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши билан ҳамкорликда ибратли ишларни амалга оширяпти. Жумладан, узоқ йиллар қаровсиз ётган «Ўзал» спорт-соғлом-

ХДП БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

лаштириш маркази қайта таъмирлангани ёшлар учун имкониятлар эшигини очиб берди.

— Қайта таъмирлаш ишларини «Бухорогафтгаз пармалаш» очик турдаги ҳиссадорлик жамоати жамоаси бажарди, — дейди марказ раҳбари Гофуржон Розиков. — Энди «Ўзал»да спортнинг кўплаб тури бўйича машғул ва мусобақалар ўтказиш мумкин.

Бугунги кунда ушбу масканда сузиш ҳавзаси, бокс, кураш, шохмот-шашка, стол тенниси, футбол, волейбол майдонлари болалар ва ёшлар билан ҳаммиша гавжум.

(Ўз мухбиримиз)

ТОШКЕНТ — КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ МЕЗБОНИ

Яқинда пойтахтимизда теннис бўйича Осий чемпионати ҳамда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи — «Шарқ гўзали — 2004» халқаро турнирлари муваффақият билан ўтган эди. Ана шу катта спорт байрамларининг шуқуви тарқамай туриб, бу ерда «Тошкент опен» аънанавий аёллар халқаро теннис мусобақаси бошланди.

«Тошкент опен» халқаро аёллар мусобақаси 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган. «Челленжер» сифатида бошланган турнир қисқа вақт ичида кенг оммалашиб, 1999 йили Аёллар теннис уюшмаси (WTA) турнири мақомини олди.

Ушбу мусобақанинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, «Тошкент опен» нафақат тажрибали ва таниқли теннисчилар, балки профессионал спортга эндигина қадам қўйган иқтидорли ёшларни жамлаши билан ҳам бошқа турнирлардан фарқ қилади. Бир сўз билан айтганда, «Тошкент опен» — янги юлдузларни кашф этади.

«Тошкент опен»нинг илгариги голибалари — ҳамюртимиз И. Тулаганова, М.Микаэля (Швейцария), П.Вартуш (Австрия), А.Гавальдон (Мексика), А.Смашнова (Исроил), Б.Ламаре (Германия), В.Ласкуал (Испания) бугунги кунда дунёнинг таниқли ракеткачиларига айланган.

Пойтахтимиздаги Тошкент тен-

нис марказида 11 октябрь куни «Тошкент опен-2004»нинг тантанали очилиш маросими бўлди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, жумладан, теннисни ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.


— Бундай нуфузли мусобақа мезбонлик қилиш ташкилотчи мамлакатга катта маъсулият юклайди, — деди Аёллар теннис уюшмаси (WTA) вакили Бёрн Аллаван. — «Тошкент опен» WTA турнирлари орасида юксак нуфузга эга мусобақалардандир. Биз Ўзбекистонда йирик анжуман ва мусобақалар қокори савияда ташкил этилишига кўп бор амин бўлганмиз. Бу заминда Ирода Тулагановадек мохир теннис юлдузи етишиб чиққани мамлакатда спортни ривожлантиришга берилётган улкан эътибордан яна бир далолатдир.

Шундай қилиб, тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари бир ҳафта мобайнида қизиқарли

беллашуларга гувоҳ бўлади. Дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган теннис усталари «Тошкент опен» халқаро аёллар теннис мусобақасининг бош совринини қўлга киритиш учун қорғта чиқади.

«Тошкент опен» турнирининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги раҳбари А.Азизқўжаев, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти Р.Қурбонов иштирок этди.

Зоҳир ТОШҚУЖАЕВ, Қоҳрамон ҚАШИЕВ, ЎзА мухбирлари



Суратларда: турнирдан лавҳалар. Сарвар ЎРМОҲОВ (ЎзА) олган суратлар.



ҲАЁТБАХШ МЕРОС ЖАМЛАНГАН МАРКАЗ

Улуғ мутасаввуф, нақшбандия тариқатининг асосчиси Хожа Баҳауддин Нақшбанд таваллудига 686 йил тўлди. Шу муносабат билан ҳазратининг Қасри Орифон хилқатида Баҳауддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази очилди. Шинам зал, қабулхона ва кироятхонадан иборат бўлган мажмур марказ ажиб бир уйғунлик касб этади. Кириятхонадан Фаридуддин Аттор, Имом Фазолий, Нишопурий сингари кўплаб аллома-ю пирларнинг ноиб китоблари ўрин олган.

— Маънавий меросимизни кўз қорачиғидек асраш, уни келажак авлодга етказишда

бу марказ алоҳида ўрин тутайди. — дейди шоир ва олим Садриддин Салим Бухорий. — Зеро, нақшбандия тариқатининг моҳиятида тил ва қўлни озор етказишдан эҳтиёт қилмоққа эътибор берилган. Бу таълимотни ёшлар онгига синдириш, оғоҳ ва ҳушёр турсак — ҳамма мақсад-муддаомизга етамиз.

Ха, ҳаётбахш меросни ўзида жамлаган ушбу марказ узоқ йиллар халқимизнинг улуғ қадриятларини ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати: ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Азиз юртдошлар! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси «Йўл ҳаракати қондаларини», ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини тарғиб қилиш, ҳайдовчи ва пилдаларни намунали ҳаракат иштирокчисига айлантириш, шунингдек, ўз сафарларида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш йўлида қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, бундай тадбирларни бажариш, айниқса, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини

олиш шу соҳа эгаларининггина эмас, балки барчанинг бирдек вазифаси бўлиши керак. Шу боис ҳам жамоатчилик фикри биз учун ғоятда муҳимдир. Кўпчилик фикрига таяниш, ундан тўғри хулоса чиқариш, ўзаро ҳурмат-эътиборни шакллантириш келгусида ижобий натижалар бериши шубҳасиз.

Юқорида баён этилган фикрларга асосланган ҳолда биз фуқароларимизга Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларида махсус, кеча-ю кундуз фаолият

кўрсатадиган ИШОНЧ телефонларининг рақамларини эълон қиламиз. Сиз йўлларда содир бўлган транспорт билан боғлиқ турли ҳолатлар, йўл-транспорт ҳодисалари, ҳайдовчилар томонидан йўл қўйилмаётган қоидабузарликлар, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг хизмат фаолиятларидаги камчиликлар ҳақида ана шу телефонларга кўнгирак қилиб ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингиз мумкин. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзаро ҳамкорлик умумий хавфсизлиги бўлган ҳолда



СИЗ КЎРГАН КАТТА ТОЛЛАР КЕСИЛИБ КЕТГАН

«Сиз кўрган уйлар айвонга айланиб кетган», «Сиз ўтган кечуларни сув олиб кетган». Бу мақоллар илгариги яхши аҳволи кейинчалик ёмонлашиб қолган (масалан: илгари бадавлат бўлиб, кейин камбағаллашиб қолган: оиласидаги илгариги ҳушқачқалик ўрнини ғам-ғусса эгаллаган ва ҳ.к.) одам томонидан сўқбатдошининг: «Фалон нарса ҳалиям ушандайми?» деган мазмундаги саволига жавобан айтади.

СУВ БИР ЛОЙҚАЛАНМАЙ ТИНИМАС

Бу мақол асосан эр-хотин муносабатига тааллуқли бўлиб, «Янги ариқдан сув оққанида олдинига лойқаланиб, кейин тиниб оққанидек, янги турмуш қурган эр-хотин ҳам дастлаб бир-бирининг фель-атворига, келин эса янги тушган хонадони шарт-шароитларига кўниқолмаслиги мумкин. Натияжада нари-бери гап-сўзлар, аччиқ-аразлар бўлади. Аммо, бу вақтинчалик ҳолатга бардош бериш керак. Тез орада ҳаммаси изига тушиб кетади», деган маънода қўлланилади.

КАТТА СПОРТДА ҚОЛМОҚЧИ

Россиялик номдор теннисчи Евгений Кафельников катта спорт билан хайрлашиш ниятидан кечганини маълум қилди. «Бу тадбирни келаси йилга қолдириш, пухта тайёргарлик кўриш ва хайрлашув байрамона ташкил этилгани маъқул», — дейди у.


Теннисчи яқин келажакда голф клубига бошчилик қилиш ниятида. Унинг бирдан-бир орзуси — қизини тарбиялаш.

Эслатамиз: Кафельников бултурдан бери теннис майдонига тушгани йўқ. У икки марта «Улкан тож» турнирида голиб чиққан. 1999 йили Австралия очик чемпионатида галаба қозонган. Сидней олимпия ўйинлари голиби ҳамда 2002 йили мамлакат терма жамоаси таркибиде Дэвис кубогини қўлга киритган машҳур теннисчи саналади.

Интер-спорт

АЛИНА ГОЛЛИВУД ОРЗУСИДА

Тошкентда ўтказилган «Шарқ гўзали — 2004» жаҳон кубоги босқичида галаба қозонган бадий гимнастика устаси, Афина олимпиядаси чемпиони, кўп марта Жаҳон ва Европа мутлақ чемпионлигига эришган россиялик Алина Кабаева катта спорт билан хайрлашмоқчи. У Токиода якунланган клуб жамоалари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида шахсий ва жамоа ҳисобида биринчиликни қўлга киритган: «Энди майдонга тушмайман», — деди. — Мамлакат учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, бундан буён артист сифатида ўзимни кўрсатмоқчиман. Бу эса Москва ёки Россияда эмас, фақат Голливудда бўлади». Гимнастикачи турмуш кўрмоқчи эканини ҳам яширмади. У, шунингдек, болалар учун халқаро гимнастика мактаби ташкил этиш режасини тузаётган экан.



— Мамлакат учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, бундан буён артист сифатида ўзимни кўрсатмоқчиман. Бу эса Москва ёки Россияда эмас, фақат Голливудда бўлади». Гимнастикачи турмуш кўрмоқчи эканини ҳам яширмади. У, шунингдек, болалар учун халқаро гимнастика мактаби ташкил этиш режасини тузаётган экан.

МАҚСАД — ФИНАЛГА ЧИҚИШ



2006 йили ўтказиладиган Жаҳон футбол чемпионатининг саралаш учрашувларидан бирида Лихтенштейн терма жамоаси муҳлис-ларни ҳайратга солди. Мўъжазгина давлат футболчилари Европанинг собик чемпиони — Португалия жамоаси билан дуранга эришди. Бундан аввалги икки учрашувда Латвия

ва Эстония жамоаларини 2:0 ва 4:0 ҳисобида ютган португаллар ана шу тариқа очко йўқотишди. Ҳозир учинчи саралаш гуруҳида Словакия — 10, Португалия — 7, Эстония — 6, Россия — 4, Латвия — 3, Лихтенштейн — 1 очкога эга бўлиб турибди.

Эслатиб ўтамиз, 13 октябрь куни Иордания пойтахти Оммон шаҳрида саралаш учрашувини ўтказишга ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон терма жамоаси таркибиде 22 футболчи бўлиб, легионерлар ҳам бор. Ироқ футболчилари билан ўтказиладиган бу учрашувда Россия клубларидан 9 ўйинчи — Поляков, Бикмаев, Аюпьян, Сафонов, Фёдоров, Радкевич, Қосимов, Гейнрих ҳамда Шацкилар иштирок этадилар. Жароҳати тўғрйли «Локотив» аъзоси Маминаев билан Пашинин катнашмайдиган бўлиб турибди.

«АФРИКА»ГА МАРҲАМАТ

Тошкент давлат циркида россиялик цирк усталарининг «Африка» деб номланган қизиқарли томошалари бўлиб ўтмоқда. Унда асосан Тигран Аюпьянининг ўргатилган шўх ва қувноқ шимпанзелари барчани

Цирк

лол қолдиришмоқда. Айниқса, Камерун ақчилари, Шотландия отлари, бегемотлар иштирокида кўрсатилаётган қувноқ томошалар дастурга ўзгача жозиба беришмоқда. Таниқли масхарабозлардан

Мини ва Максиларнинг томошабинлар билан бўлган жонли мулоқоти, маҳорат билан ижро этилган ранг-баранг самовий кўринишлари эса катта-ю кичики хурсанд қилмоқда. Зуҳра ҲАСАНОВА

Table with 4 columns: №, ХУДУДЛАР, КОД, ТЕЛЕФОН. Lists regional offices of the traffic safety service.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХ Бош бошқармаси

ПРОСПЕКТ ЭМИССИЯ ОАО «ЯНГИОБОД ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ» ЗАРЕГИСТРИРОВАН ТАШКЕНТСКИМ ГОРОДСКИМ УПРАВЛЕНИЕМ ЦЕНТРА ПО КООРДИНАЦИИ И КОНТРОЛЮ ЗА ФУНКЦИОНИРОВАНИЕМ РЫНКА ЦЕННЫХ БУМАГ ОТ 2 ФЕВРАЛЯ 2004 Г. ЗА № Q0354-2.

УСЛОВИЯ ПРЕДСТОЯЩЕГО ВЫПУСКА АКЦИЙ В ОБРАЩЕНИЕ.

а) вид и форма акций выпуска простые именные, безлистные; б) количество акций выпуска 206066 шт; в) номинальная стоимость акции выпуска, сум 1000; г) общий объем выпуска (по номинальной стоимости), сум 206066000; д) права, предоставляемые каждой акцией выпуска — участие на общих собраниях акционеров, получение дивидендов и другие права согласно Уставу общества; е) способ размещения акций, открытая; ж) срок и порядок размещения акций — в течении одного года со дня государственной регистрации выпуска акций; з) предполагаемая цена размещения акций — не ниже номинала; и) условия и порядок оплаты акций, в том числе форма расчетов, банковские счета, на которые должны перечисляться средства в оплату акций безлистные в р/с 20208000803794018001 наличные через кассу, с последующим переводом в счет хозрасчета г. Ташкента; к) орган эмитента, принявший решение о выпуске акций и дата принятия общего собрания акционеров от 06.08.2003 года; л) любые ограничения на эмиссию акций, установленные в уставе эмитента, ограничения в отношении возможных приобретателей размещаемых акций;

Table with 4 columns: Категория, Всего, Доля хозимията, Доля тр.кол-ва, Доля свобод продаж. Shows financial data for the company.

Акции хранятся в депозитарии «Трепанг» г.Ташкент ул.Дружбы народов. Реестр ведется самостоятельно г.Ташкент ул.Тол-Арик, 1 «ЯНГИОБОД ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ». Основные места продажи акций: РФБ «Ташкент» ул. Бухоро, 10

BOSH MUHARRIR: SAFAR OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV, Alimqul SULTONOV, Andrey O'RILOV, Nomoz SA'DULLAYEV, To'lepbergen QAIPIBERGENOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Olim MURODOV, Abdug'ani MAMASODIQOV

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifati, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Javlon RASTURCH

«Sharq» nashriyot-matbaa aktyadorlik kompaniyasi boshqarmasida chop etildi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

7337 nusxada bosildi t — Tizkorat materiali O'zA yakuni — 21.00. Topshirish vaqti — 23.35 1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA